*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 214 (9860). ● 1990 йил 8 ноябрь ● пайшанба ● Баҳоси 3 тийин.

## ИНҚИЛОБ ЙЎЛИДАН ЧЕТГА ЧИҚМАЙМИЗ

### Тошкентда ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши

Бу галги Октябрь тантаналари арафасидаги кунлар беҳаловат бўлди. Мамлакатнинг гоҳ у чеккасидан, гоҳ бу чеккасидан: парад бекор қилинади, намойиш бўлмайди, муқобил намойиш ўтказилади ва ҳоказо хабарлар келиб турди.

Начора, фикрлар хилма-хиллиги амал қилмоқда. Сирасини айтганда Улуғ Октябрь инқилобининг ўрни ва аҳамиятини ҳар ким хоҳлаганча баҳолаши мумкин. Бироқ ўтган 73 йил мобайнида мамлакат қилган ҳамма ишлар фақат қора бўёқлар билан тасвирланишига қўшилиб бўлмайди.

Намойиш арафасида, намойиш бўлаётган пайтнинг ўзида биз учрашган барча тошкентликлар: ҳа, бизда жумбоқлик муаммолар кўп, ҳа, камчиликлар оз эмас, аммо ҳамма натижаларни бирваракайига йўққа чиқариш буюк халққа ярашмайдиган иш, деган фикрни якдиллик билан айтдилар. Биз бу одамларни махсус танлаб олмаган эдик, гапимизга ишонаверинг, Серғайрат

(Давоми 2-бетда).

# ОКТЯБРЬ ҒОЯЛАРИ АБАДИЙДИР

## *Қизил майдондаги байрам паради ва намойиши*

Мана яна бир карра Совет давлати туғилган кунни байрам қилмоқдамиз. Яширишнинг нима ҳожати бор, ҳозир биз ана шу санага турлича муносабатда бўлмоқдамиз: илгари номаълум бўлган ахборотлар оқими эндиликда аён бўлиб қолганида ўтмишнинг айрим саҳифалари тўғрисидаги тасаввурларимиз кескин ўзгарди, баъзи кишилар эса кечаги эзгу орзулари чилпарчин бўлганидан афсус-надомат чекмоқдалар.

Лекин тарихни орқага қайтариб бўлмайди: бундан 73 йил муқаддам худди ана шу куни Россия янги йўлга қадам ташлади. Бу йўлда биз ғалабалар ҳузур-ҳаловатини ҳам, мағлубият аламини ҳам чекдик. Ғалабалар пештоқидан фожиали ўн йилликлар қаърига ҳам тушдик. Ҳа, буларнинг ҳаммаси бўлди. Лекин мамлакатни жаҳондаги буюк давлатга айлантирган авлодларнинг жасоратини жамият хотирасидан ўчириб юборишга ҳеч кимнинг қудрати етмайди.

Ҳозир, қандай жамият қурдик, деб обдон баҳслашмоқдамиз. Ҳозир совет жамияти оғир танглик вазиятига тушиб қолганида социализмми, ёки унинг айниши айбдорми? Ҳатто душманларимизнинг эътироф этишича, Октябрь инсоният тақдирига ҳал этувчи таъсир ўтказган. Баҳс қилавериб, шуни унутиб юбормайлик. Ғарбдаги пролетариатнинг юксак турмуш даражасига ҳавас қилар эканмиз, шуни ёдимизда тутайликки, мазкур пролетариат фаровон яшаётган экан, у 1917 йилдан кейин социалистик ғоя бутун ер курраси бўйлаб одим ташлагани туфайли шу поғонага кўтарилди.

Бир неча кундан буён Москва яна байрам либосида. Шаҳарнинг кўча ва майдонларида алвон ранг шиорлар, ранго-ранг плакатлар осилган. Уйларнинг пештоқларига ўрнатилган радио карнайларидан эрта тонгдан бошлаб кўнглимизга яқин оҳанглар янграб турибди. Буларнинг ҳаммаси Октябрь санасининг серҳосият нишоналаридир.

СССЖИ Президенти ва мамлакат Олий Кенгашининг қарорига кўра бу гал ҳам 7 ноябрь жуда муҳим давлат байрами сифатида нишонланмоқда. Шундан бир кун илгари Улуғ Октябрь социалистик инқилобининг 73 йиллигига бағишланиб Кремлнинг Съездлар саройида тантанали мажлис бўлиб ўтди. Марказий кўчаларда сўнгги кунларда танк моторлари гувуллаб москваликларга парад яқинлашиб келаётганидан дарак бериб турди. Пойтахт меҳнаткашларининг байрам намойиши қатнашчилари мамлакатнинг бош майдонига чиқишга ҳозирлик кўрдилар.

Ана шундай кунларда ҳамиша бўлганидек бугун ҳам Қизил майдон кўркига кўрк қўшилган. Кремлнинг сенат минорасига ССЖИ герби ўрнатилган. ГУМ биносига В. И. Ленин портрети чизилган панно ўрнатилган. Унинг икки чеккасида «1917» ва «1990» рақамлари порлаб турибди. Бинонинг олд қисмида ва Покров собори пештоқида кузнинг сарин елларида ол байроқлар ҳилпираб турибди. Тарих музейи пештоқига эса бугунги тантананинг эҳтимолки, энг асосий шиори, яъни «фуқароларнинг тотувлиги — қайта қуриш муваффақиятининг гаровидир» деган сўзлар ёзилган.

Майдонда Москва гарнизонининг қўшинлари саф тортиб туришибди.

Мавзолейнинг марказий минбарига М. С. Горбачев, Н. И. Рижков, А. И. Лукьянов, совет парламенти палаталарининг раислари, Россия Федерацияси ва Москва Советининг раҳбарлари, ҳарбий бошлиқлар чиқадилар.

Спасск минорасидаги соат 10 га бонг уради, фанфарлар янграйди.

ССЖИ Президенти нутқ сўзлади.

## М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

Азиз ватандошлар! Азиз москваликлар! Қуролли Кучларнинг жангчилари!

Мен барчангизга Москванинг Қизил майдонидан байрам қутлови билан мурожаат этмоқдаман. Яна бир неча дақиқадан кейин бу ерда ҳарбий парад бўлади, шундан кейин эса Улуғ Октябрь социалистик инқилобининг 73 йиллигига бағишланиб пойтахт меҳнаткашларининг байрам намойиши ўтади.

Ҳар бир тарихий воқеанинг ўз тақдири бор. Баъзилари абадул-абадга ўтмиш бўлиб қолади, авлодлар учун аҳамиятини йўқотади, бошқалари эса, аксинча, халқ ҳаётида теран ва ўчмас из қолдиради.

Бизнинг октябримиз ана шундай. XX асрдаги бу энг буюк инқилоб ўзининг кўлами ва одамлар қисматига таъсири жиҳатидан беназирдир. Социалистик инқилобнинг оммани эргаштирган қадриятлари сира завол топмайди. Бу қадриятлар меҳнат кишисининг онг-шуурига сингиб кетган. Эркинлик, тенглик, адолат ғоялари ўша даврнинг: фабрика — ишчиларга, ер — деҳқонларга, халқларга тинчлик, миллатлар ўз тақдирини ўзи белгиласин, деган шиорларида ўз аксини топди.

Бугун биз пок виждон билан инқилоб сафларига қўшилган ва унинг байроғини мардона кўтарган кишиларни миннатдорлик билан эслаймиз. Ўзининг фидокорона меҳнати ва жасурлиги билан Ватанга янги ҳаёт бахш этиб, шу ватанни қурган боболаримиз, оталаримиз ва оналаримизга, миллионлаб совет кишиларига таъзим бажо этамиз. Фашизмга қарши кўксини қалқон қилиб чиққан, ана шу энг кўп қон тўкилган урушда ғалаба қозонган, мамлакатимизнинг ва бошқа давлатларнинг мустақиллигини ҳимоя қилган кишиларга таъзим бажо этамиз.

Беҳудага ор-номуси, қадр-қиммати ва ҳаётининг ўзидан ҳам ажралган ўз ватандошларимизни ҳам ёдга оламиз. Бу даҳшатли сабоқ ҳамиша огоҳлантириб туриши керак. Адолатли мақсадга адолатсиз воситалар билан эришиб бўлмайди. Инсон ҳуқуқлари, инсон қадр-қимматини иззат қилиш жамиятда ҳамма нарсадан кўра қадрлироқ бўлиши керак.

Биз инқилоб сафига қўшилиб, унинг идеалларини рўёбга чиқариш учун фидокорлик билан курашган кишиларнинг меросхўрларимиз. Биз уларни унутиб, айниқса адолатсиз ҳукм чиқариб, бу кишиларни таҳқир эта олмаймиз. Ҳамонки, бу одамлар орзу қилган мақсадларга эришилмаган экан, шу кишиларни эски тартибларга ҳужум қилишга даъват этган идеаллар кейинчалик жиддий тарзда айниб кетган экан, бунинг учун оламдан ўтган авлодларнинг айби йўқ.

Биз ўз тарихимизга жуда ҳалоллик билан баҳо бермоқдамиз. Сталинизм билан, социалистик ғоянинг айниши билан боғлиқ бўлган барча нарсалар устида нечоғли қатъият билан ҳукм чиқармайлик, бу чоракам бир аср мобайнида халқ ақл идроки ва меҳнатининг самарасига рахна солмаслиги керак ва рахна сола олмайди.

Бизнинг ўтмишга муносабатимиз эндиликда фақат сўздагина ифодаланмаган. Биз ёлғон ва адолатсизликнинг баҳридан ўтдик, ҳамма нарсани, қандай бўлса шундайлигича, кўриш ва ўқиб олишга ҳаракат қилдик, халқ ҳокимиятига, иқтисодий эркинликка, ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамиятига юз бурдик.

Биз қайта қуришни тўла асос билан янги инқилоб, деб атамоқдамиз. Бу инқилобнинг мақсади — одамга эрк беришдан, унинг мулк, ҳокимият ва маданиятдан бегонасирашига барҳам беришдан, одам ҳаёти ва шахсиятининг қадр-қимматини тасдиқлашдан иборат.

Эркинлик ва демократия, фуқаронинг ҳуқуқлари, халқнинг мустақиллиги ва ўзини-ўзи бошқариши; ўз меҳнати натижаларига кўра моддий фаровонлик, замонавий даражадаги барча фойдалана оладиган соғлиқни сақлаш ва таълим, қарилик ва болалик тўғрисида ғамхўрлик; табиатни муҳофаза этиш, маданиятни, миллий анъаналарни сақлаш ва бойитиш, жаҳон цивилизациясининг барча ютуқларини эгаллаб олиш — буларнинг ҳаммасини замонавий тарзда ўқиб олинаётган социалистик ғоя қамраб олади. Бу, айни вақтда, Ватанимиз ва жаҳон тарихининг ҳозирги босқичида Октябрь қадриятларини қайтадан тиклашдир.

Коммунистлар партиясининг ташаббуси билан бошланган тарихий бурилишни халқ тушуниб олган ва қабул қилган эди. Ўтган давр мобайнида мамлакатнинг қиёфаси янгиланди. Амалдаги халқ ҳокимияти, фикр ва ҳаракат эркинлиги, миллионлаб кишиларнинг жамият турмуши долзарб масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этаётганлиги қайта қуришнинг муқаррар ютуқларидир.

Қайта қуриш жамиятни чеклаб, одамлар ташаббусини бўғиб келган якка ҳокимликка, буйруқбозлик-тўрачилик системасига қақшатғич зарба берди. Аммо янгиланиш жараёни тасаввур этиш мумкин бўлганидан кўра анча оғриқли ва зиддиятли бўлиб чиқди.

Бугун ҳаммамизни тақчиллик, навбат кутиш, қимматчилик, ҳуқуқ-тартиботнинг заифлашгани сингари турмушнинг чигалликлари жуда таҳликага солиб турибди. Миллий низо кўнглимизга оғир ботмоқда. Аммо ваҳимага тушмаслик, айниқса ўтмишга қайтишга даъват этмаслик керак.

Эркин кишиларнинг қўлидан барча ишлар келади, улар ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўта оладилар. Бунинг учун биз ҳозир, аввало, демократия замиридаги имкониятлардан тўлароқ фойдаланишимиз керак. Одамлар онгига асосланган мустаҳкам жамоат тартибини ўрнатишимиз зарур, барча даражаларда қонунчилик ва давлат интизомини мустаҳкамлашимиз даркор.

Қайта қуриш — мураккаб ва зиддиятли кечаётган кескин ва теран сиёсий жараёндир. Иттифоқда, жумҳуриятларда ва жойларда ҳокимиятнинг янги тузилмалари аслида бошқатдан, омма сиёсат майдонига отилиб чиққан бир вазиятда вужудга келмоқда.

Ҳар бир кишини ва бутун халқни сиёсий ижодкорликка жалб этиш муваффақиятнинг гаровидир. Фаол ҳамжиҳатлик билан янги ижроия ҳокимиятнинг заифликларини бартараф этиш, мазкур ҳокимиятнинг самарали ишлашини таъминлаш керак.

Биз янги иттифоқ шартномасини тузиш арафасидамиз, ушбу шартнома кўп миллатли давлатимизни ўзгартириш учун жуда катта аҳамиятга моликдир. Шундай қилиб, барча халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ва ўзини-ўзи бошқаруви, уларнинг янгиланган иттифоқда бундан буёнги ҳамкорлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш вазифаси ҳал этилади. Барча совет жумҳуриятларининг қайтадан тикланиши яккаланиш ва бегоналаштиришда эмас, балки дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамдадир, бунга бизнинг ишончимиз комил. Ҳар бир халқ кўп миллатли Ватанимизни янгилашга ўзининг беназир ҳиссасини қўшиши керак. Ана шу улуғ ишда рус халқининг, бутун Россиянинг мавқеи ва масъулияти ноёбдир.

Бундан буён белгиланган йўлдан бориб, муваффақиятга эришиш учун ихтиёримизда барча зарур нарсалар бор.

Мамлакатимизнинг табиий ресурслари беҳисобдир. Халқимиз меҳнатсевар ва истеъдодли. Эндиликда бизнинг қўлимизда халқ хўжалигидаги аҳволни барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг пухта ўйлаб тузилган режаси бор.

Агар биз келишмовчиликларга барҳам берсак ва биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, фидокорона меҳнатимиз билан иқтисодиёт ва сиёсат соҳасида белгиланган тадбирларни амалга оширсак, қонунга ҳурматни тикласак қўйилган мақсадларимизга эришамиз. Синовлар чоғида ҳар бир чинакам ватанпарвар инсон барча майда-чуйда, ўткинчи нарсаларни улоқтириб ташлаб, Ватан тақдири учун жавобгарлик ҳиссини кўнглига тугиши керак.

Мен халқнинг ақл-идрокига ишонаман. Халқнинг ақл-идроки ва масъулият туйғуси, албатта, ғолиб келади.

Бизнинг қайта қуришимизни чет элдагилар зўр хайрихоҳлик билан кутиб олдилар. Кўпгина мамлакатларнинг халқлари ва ҳукуматлари биз эълон қилган мақсадларни астойдил қўллаб-қувватламоқдалар.

Янгича фикрлаш руҳида, бошқа мамлакатлар билан биргаликда ҳаракат қилиб, биз худди жар ёқасидан ядро ҳалокатига тойиб кетишни тўхтатиб қолдик. «Совуқ уруш» ўтмиш бўлиб қолмоқда ва биз халқаро ҳамжамият билан ҳамкорлик қилиб, инсоният тараққиётнинг янги тинч босқичига ўтиш учун барча ишларни қилишга тайёрмиз. Ва биз ана шу буюк, тарихий бурилишда ўз мавқеимиз, ўз масъулиятимизни аён кўриб турибмиз.

Азиз ўртоқлар! Октябрнинг навбатдаги санасини нишонлар эканмиз, биз шуни аниқ-равшан кўриб турибмизки, тарих ижод этган воқеа муқаррардир. Агар янглишишлар ва хатолар тан олинган бўлса, улардан зарур сабоқлар чиқариб олинган бўлса, бу янглишишлар ва хатоларни тузатиш мумкинлигини уқиб олишнинг ўзи ҳам шу қадар муҳимдир.

Келинг, бугунги байрам қишлик саройга ҳужум қилган оталаримиз ва боболаримизнинг юксак ва эзгу мақсадларини эслатсин. Келинг, бугунги байрам ҳар биримизни ўтмиш ва келажак тўғрисида босиқлик ва ҳалоллик билан ўй-фикрга толдирсин. Келинг, бугунги байрам бизга фуқароларнинг тинчлиги ва тотувлигига, сабр-қаноат ва бунёдкорликка келишга ёрдам берсин.

Ҳозир сиз билан бизнинг ихтиёримизда ҳақиқатан ҳам имконият бор. У ҳам бўлса — иккинчи улуғ инқилоб орқали жамиятимизни рисоладаги, соғлом, адолатли, охир-оқибатда гуллаб-яшнаган жамиятга айлантириш имкониятидир. Худди ана шу эзгулик Владимир Ильич Лениннинг ҳам мақсади эди.

Муваффақият қозониш учун бизга демократик кучларнинг жипслашуви, ҳар қандай экстремистик ниятларга нисбатан қатъият, қайта қуриш барча самимий тарафдорларининг ҳалол ҳамкорлиги зарур.

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз ўртоқлар! Ушбу байрам Ватанимизни қайтадан тиклаш, социалистик янгиланиш йўлидан олға қараб боришимиз учун барча ишларни рўёбга чиқаришдаги азму қароримизни мустаҳкамласин!

Совет Иттифоқининг давлат мадҳияси янграйди, тўплар салюти гумбирлайди. Президентлик Кенгашининг аъзоси, ССЖИ мудофаа вазири, Совет Иттифоқи Маршали **Д. Т. Язов** парад қўмондони, генерал-полковник **Н. В. Калинин**дан рапорт қабул қилиб олади. Қўшинларни айланиб ўтиб, парад қатнашчиларини байрам билан қутлайди. «Ура!» садолари янграйди.

Ҳамиша бўлганидек, парадни ҳарбий музика билим юртининг талабалари бошлайдилар. Улар ижро этаётган куйга оркестрнинг минг-минглаб созандалари жўр бўладилар.

Сўнгги вақтда мамлакатимиз бош майдонидаги ҳарбий параднинг тақдири тўғрисида ўткир баҳслар бўлди. Баъзилар совет кишиларининг неча-неча авлодлари фахрланган ва ҳозир ҳам ифтихор этадиган ана шу анъанадан воз кечишни таклиф қилдилар.

Аммо, ҳар қалай бир юз йигирманчи парад бўлиб ўтди. Ушбу парад қатнашчилари ССЖИ Қуролли Кучларининг бир қисмидир, холос. Аммо шуларга қараб ҳам халқимиз ҳозир ўзини кимлар ҳимоя қилаётганини уқиб олади.

Кўп йиллик анъанага риоя этиб, майдонга ҳарбий академияларнинг тингловчилари, ҳарбий билим юртларининг талабалари, яъни офицерлик корпусининг кўрки ва келажаги кириб келади.

Суворовчилар ва нахимовчилар майдонга кириб келишганида, ҳамиша бўлганидек, бу гал ҳам минбар аҳлининг меҳри товланиб кетди, ана шу ўктам, қадди-қомати келишган йигитларга Ватанимиз яқин орада оталар ва боболарнинг шонли жанговар анъаналарини асраб-авайлаш ва бойитишни ишониб топширади.

Қўшма оркестр садоларини моторларнинг гурилллаши босиб кетмоқда. Тарих музейининг икки чеккасидан М. И. Калинин номидаги гвардиячи, мотоўқчи Тамань дивизияси жанговар машиналарининг темир оқими келмоқда. Парашют-десант полкининг ҳайдовчилари ҳам юксак маҳоратларини намойиш этмоқдалар. Десантнинг жанговар машиналаридан кейин майдонга Ю. В. Андропов номли гвардиячи, кантемировчилар танк дивизиясининг колонналари кириб келди.

Ўзи юрар артиллерия қурилмалари, машҳур «катюша»ларнинг вориси бўлган реактив артиллериянинг жанговар машиналари, зенит-ракета комплекслари, қуруқликдаги қўшинларнинг ракета қурилмалари ўтмоқда.

Қизил майдондан «СС—25» баллистик ракеталарнинг ўтиши бу галги парадда янгилик бўлди. Булар жуда замонавий ракеталардир. Янгича фикрлаш бизга ташқи сиёсатда рақобатларча ёндашувдан воз кечишга имкон берди. Ҳамонки, бошқа мамлакатлар қўлида ҳам шундай қурол бор экан, Совет Иттифоқи ҳам шу қуролни тутиб туришга мажбурдир.

(Давоми 2-бетда).







● ТОШКЕНТ. 7 НОЯБРЬ. В. И. Ленин номли майдонда меҳнаткашларнинг байрам намойишлари.







● ТОШКЕНТ. 7 НОЯБРЬ. В. И. Ленин номли майдонда ҳарбий парад.

Суратчи А. ЗУФАРОВ.

# ОКТЯБРЬ ҒОЯЛАРИ АБАДИЙДИР

(Боши 1-бетда).

Ўтган йилларда бўлганидек, бу гал ҳам мавзолей ёнидан қўшма ҳарбий оркестрнинг ўтиши билан парад якунланди.

Бир оз танаффусдан кейин Қизил майдонга намойишлар колонналари кириб келди. Бу гал инсонпарвар демократик социализм ва фуқаролар тотувлиги ғояларини қўллаб-қувватлаётган ва маъқул кўраётган жамоат ҳаракатлари байрам намойишининг ташаббускорлари бўлишди. Улар орасида КПСС Москва шаҳар комитети, пойтахт касаба уюшмалари, комсомоли, шаҳардаги уруш ва меҳнат ветеранлари, хотин-қизлар кенгашлари, бир қанча ижодий уюшмалар бор.

...Москваликларнинг турли тоифаларига мансуб бўлган намойиш қатнашчилари саккиз колонна бўлиб майдондан ўтмоқдалар. Бу гал намойишга чиқиш тўғрисида «топшириқлар» бўлмади: ўтмишдаги расмий, «хўжа кўрсин» қабилидаги юришлардан фарқли тарзда бу одамлар майдонга дилдаги маслакларига кўра, танлаб олинган социалистик йўлга садоқатларини тасдиқлаш учун келишган.

Мамлакат ва Россия Федерациясининг раҳбарлари мавзолей минбаридан пастга тушиб, Президентлик Кенгаши аъзолари билан биргаликда бош колонна сари юрадилар, ушбу колонна сафларида намойиш ташкилот комитетининг аъзолари, уруш ва меҳнат ветеранлари, Москва жамоатчилиги вакиллари бор эди. КПСС ва РСФСЖ Компартиясининг, пойтахт партия ташкилотининг раҳбарлари бу гал район колонналари тартибига киришган.

Эрталаб соат 11. Қизил майдон узра фанфаралар садоси янграйди, сўнгра Улуғ Октябрнинг 73 йиллигига бағишланган шиор ўқилади. Оркестр майдондан чиқиб кетади, намойишчиларнинг сафлари ҳаракатга келади.

Колоннадаги намойишчилар мавзолей ёнида тўхтайдилар. Партия ва давлат раҳбарлари, ветеранлар, шаҳар меҳнат жамоаларининг вакилларидан таркиб топган делегация мавзолейга гуллар қўйиб, Октябрь инқилоби доҳийси, Совет давлатининг асосчиси В .И. Ленин хотирасини ёдга оладилар.

Мамлакат, Россия ва пойтахт раҳбарлари, ташкилот комитетининг аъзолари мавзолейнинг марказий минбарига чиқадилар.

Мавзолейнинг икки томонидаги минбарларда Улуғ Октябрь социалистик инқилобининг 73 йиллигига бағишланган тантанали мажлис қатнашчилари, ССЖИ ва РСФСЖ халқ депутатлари, Москва меҳнаткашлари ва жамоатчилигининг вакиллари, чет эллик меҳмонлар туришибди.

Намойишчилар орасида бу ерга оилалари билан биргаликда келганлар ҳам кўп. Ҳозирги оғир кунларда улар Қизил майдонга тантана қилиш учун келишмаган. Бу қайта қуриш тарафдорларининг сиёсий намойишидир, қайта қуриш Октябрь ғояларини барча айнишлардан тозалаши, Ленин таълимотининг ҳаётийлиги ва тўғрилигини исботлаши керак.

Бу галги юриш илгаригиларидан тубдан фарқ қилади: бошловчи ва якунловчи колонналар ҳам, чиройли кўчма қурилмалар ҳам йўқ. Намойишнинг безаги — плакатларнинг кўплигидир, ушбу плакатларда Москва меҳнаткашларининг ижтимоий адолат, фуқаролар тотувлигига қатъий интилаётгани, умуминсоний қадриятларни тасдиқлашга ҳаракат қилаётгани баён этилган. Аксарият одамлар учун муқаддас бўлган В. И. Ленин номини ҳимоя қилишни талаб этаётган, қайта қуриш ташаббускори бўлган КПССни асоссиз ҳуружлардан муҳофаза этаётган транспарантлар анчагина.

Мавзолей ёнидан 150 мингга яқин москваликлар ўтишди, улар совет кишилари гўё социализмга ишончдан батамом маҳрум бўлдилар, деб жар солаётган қайта қуришга қарши кучларнинг сафсаталарини бутунлай чиппакка чиқардилар. Октябрь ғоялари ҳали рўёбга чиққани йўқ, лекин бу ғоялар меҳнаткаш халқнинг туб манфаатларини рўёбга чиқариш йўлини кўрсатиб, абадий яшайди.

Ўзининг илгариги «метиндек жипслигини» йўқотган жамият ҳаракатга келди, ўткир сиёсий кураш бормоқда ва сўл кучлар социалистик жамиятни тубдан янгилаш негизида жипслашмоқдалар. Байрамнинг бош якуни ҳам худди ана шундадир, ушбу байрам чинакам инқилобий қайта қуриш тарафдорларининг куч-қудрати ва оммавийлигини яққол кўрсатди.

**Қизил майдондан ушбу репортажни ТАСС мухбирлари М. ЗАХАРЧУК, В. ОРЛОВ, Л. ШВЕДОВА, Б. ШЕСТАКОВ олиб бордилар.**

## БАЙРАМДА НОХУШ ҲОДИСА

**Москва, 7 ноябрь.** (ТАСС). Қизил майдонда байрам намойиши бўлаётган вақтда Бош универсал магазин атрофида ўқ овозлари эшитилди. ССЖИ Давлат хавфсизлиги комитети Москва шаҳар ва Москва вилояти бошқармасининг матбуот шўъбасида ТАСС мухбирига хабар қилишларича, кесма ов милтиғидан ҳавога қараб икки марта ўқ узган ленинградлик киши ушланган. Жабрланганлар йўқ. Тергов олиб борилмоқда.



# ИНҚИЛОБ ЙЎЛИДАН ЧЕТГА ЧИҚМАЙМИЗ

(Боши 1-бетда).

кишилар қоғозда тарихни қайта ёзишлари мумкин, лекин, уни ҳеч қачон ўзгартира олмайдилар. 1917 йил ҳақида турлича гапириш мумкину, бироқ советлар мамлакатининг турмуши айни ўша пайтда бошланганини унутиш ярамайди.

Ўзбекистон пойтахтининг аҳолиси, унинг бугунги меҳмонлари шу куни биргаликда йиғилишдек, ўз ишлари ҳақида гурунглашиб, муаммолар хусусида фикрлашишдек кўп йиллик анъанадан воз кечмаганликларини 7 ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган халқ намойиши яққол кўрсатди.

Гарчи, тарки одат, амри маҳол деганларидек, эски удумларнинг баъзилари сақланиб қолди, аммо аввалгидек дабдабабозлик, байроқлар, плакатлар ва транспарантлар «денгизи» йўқ. Байрам колонналарини жиҳозлаш қанчага тушганини билдирувчи аниқ рақамни билиб ололмадик. Бироқ қилинган харажатлар ўтган йилларга нисбатан анча кам бўлгани равшан. Бу соҳада хўжалик ҳисоби, бозор муносабатларига ўтиш тараддуди ўз ҳукмини ўтказади. Жумҳурият корхоналари ва ташкилотлари жуда яқин вақт ичидаёқ шу муносабатларнинг биринчи босқичига дуч келишлари тайин.

...В. И. Ленин номли майдон бўсағасида одамлар гавжум. Бетон тахтачаларда ва кўк майсалар орасида парад бошланишини кутиб турган ҳарбий бўлинмалар бир текис саф тортишган.

Меҳмонларга ажратилган минбарлар лиқ тўла. Мамлакат ва жумҳурият парламентларининг аъзолари, ССЖИ ва Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзолигига номзодлар, Ўрта Осиёдаги революцион ҳаракат ветеранлари минбарларга чиқишган. Уруш ва меҳнат ветеранлари, байналмилалчи жангчилар, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, фан ва маданият арбоблари, жумҳуриятимиздаги расмий дипломатия ваколатхоналарининг намояндалари хорижий меҳмонлар ҳам шу ерда.

Майдон байрамона безатилган. Унинг атрофига ССЖИ, Ўзбекистон ССЖ давлат байроқлари, Қизил байроқлар илиб қўйилган. В. И. Ленин ҳайкалининг иккала томонига «Совет ҳокимияти — халқ ҳокимияти» мавзуидаги ранг-баранг паннолар жойлаштирилган.

Эрталаб соат 10 да майдон узра берилган командаларнинг сўзлари равшан эшитилади. Шу тариқа ҳарбий парад бошланишига ишора берилади.

Қизил байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони, генерал-полковник И. В. Фуженко пайдо бўлади. Парад қўмондони Тошкент гарнизони бошлиғи вазифасини ижро этувчи, округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари, генерал-майор Е. Гайдукевич унга пешвоз чиқиб, қўшинлар тантанали юришга тайёрлигини билдиради.

И. В. Фуженко саф тортиб турган бўлинмалар атрофини айланиб ўтади, жангчилар билан саломлашади. Сўнгра у ҳукумат минбарига чиқиб жумҳурият ҳукумати, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети номидан ва уларнинг топшириғига биноан ҳаммани Улуғ Октябрь социалистик инқилобининг 73 йиллиги билан табриклайди ва қутлайди.

«Тантанали юришга ҳозирланинг» деган буйруқ майдон узра янграйди, Ҳарбий оркестрнинг садолари остида жангчиларнинг сафлари ҳаракатга келади. Офицерларнинг йиғма колоннаси, ҳарбий билим юртларининг талабалари, қўшин турларининг вакиллари ўтадилар.

Сафлардан бирида кичик сержант, десантчи А. Шарлаимовга кўзингиз тушади. Парад бошланишидан аввал у қуйидагиларни айтган эди:

— Мен кўпгина тенгқурларим билан бирга парадда қатнашаётганимдан бахтиёрман. Менинг парадда биринчи иштирок этишим, хизмат давомида армияда ўрганганларимни кўрсата олишимдан хурсандман.

Ўзим Уралда, Пермь шаҳрида туғилиб ўсганман. Хизмат юзасидан жумҳуриятингиз бўйлаб кўп юришимга тўғри келди. Қаерда бўлмайин, ким билан суҳбатлашмайин, одамлар менга ҳурмат билан муомала қилишарди. Хуллас, мен шу серқуёш Ўзбекистонни севиб қолдим. Бу ерда бамисоли уйимдагидек ҳис этаяпман.

Бизнинг бўлинмамиз — кўп миллатли. Унда турли жумҳуриятлардан, хусусан Ўзбекистондан ҳам йигитлар хизмат қилмоқдалар. Уларнинг ҳаммаси билан қалин дўст бўлиб қолдик. Хизматимиз осон бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда бемалоллик шароитида яшаяпмиз, дўстлик эса ҳар қандай қийинчиликларни бартараф этишга ёрдам беряпти. Қисқаси, биз бу ерда жуда яхши мактаб сабоғини олаяпмиз.

Бўлинмалардан бирининг командири майор И. Дуброва ҳам майдондан ўтди. Унинг фикрлари аскар айтган гапларга ҳамоҳанг бўлиб ўтди.

— Қуролли Кучлар ҳамиша байналмилалчилик, турли миллат жангчилари ўртасидаги дўстлик мактаби бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолади. Бугунги парадимизда ҳам Тошкентнинг бош майдонидан мамлакатдаги турли миллат ва элатларнинг фарзандлари: ўзбеклар ва руслар, тожиклар ва қирғизлар, қозоқлар ва арманлар, озарбайжонлар ва грузинлар ҳамда кўпгина бошқа миллатларнинг намояндалари елкама-елка ўтмоқдалар.

Жанговар ва сиёсий тайёрлик аълочилари: тожик фарзанди Жабборов, ўзбеклар Юнусов билан Мамажонов, парад сафига қўшилганлар. Мана, шу жангчилар машқларда ва отишларда ўзларини кўрсатдилар, қўмондонликнинг неча марталаб ташаккурномасига сазовор бўлдилар. Бир Ватан ҳимоясида турган мана шу йигитлар орасида жанжал чиқиши мумкин деб ҳаёлингга ҳам келмайди, киши.

Қудратли жанговар техника майдон бўйлаб юриб ўтганидан кейин тошкентликларнинг колонналари пайдо бўлади. Қадимий анъанага кўра шаҳарнинг олти байроғидан иборат бош гуруҳга партия, уруш ва меҳнат ветеранлари ҳамроҳлик қиладилар. Улардан ҳар бирининг кўкраги орден ва медалларга тўла. Бу мукофотлар Улуғ Ватан уруши жабҳаларидаги жасорат ва мардлик билан, тинч даврдаги фидокорона меҳнат билан қўлга киритилган.

Мана, улардан бири — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг собиқ ҳарф терувчиси, пенсионер Абдуҳамид Мажидов. Шу байрам куни унинг фикр-ўйлари энг эзгу ниятларни кўзлайди:

— Очкўз одам чайнаб тўймайди, серғайрат одам ишлаб тўймайди, деган мақол бор. Бу ҳикматли гап назаримда, ҳозирги беҳаловат давримизни жуда яхши акс эттиради. Мен ёшимни яшаб, ошимни ошаган одамман. Умримда кўп нарсаларни кўрдим, кўп сабоқ олдим. Пештахталарнинг ҳувиллаб ётиши далада ҳам, заводда ҳам, ҳукуматда ҳам ишлай олмаслигимизнинг тўғридан-тўғри оқибатидир.

Мен нашриётда 35 йил, аввал шогирд бўлиб, сўнгра ҳарф терувчи, смена бошлиғи бўлиб ишладим. Ҳозир бироз маош олаяпман, у пенсияга қўшилиб бекаму кўст яшаш, байрамларни дўстлар даврасида нишонлаш имконини беради. Очиғини айтганда, ҳозир байрам дастурхони ёзишнинг ўзи ҳам бўлмайди. Нарх-навога бир қаранг. Шу ҳол халқни бозор иқтисодиётидан чўчитмоқда, митинглардаги янги чиққан кароматчиларга дастак бермоқда, улар халқни нимага даъват қилаётганликларини ҳеч билиб бўлмайди. Менинг назаримда, фаровонликнинг сири содда: маҳалладаги яхши қўшнилар каби дўстликда яшамоқ керак.

Одамлар ҳар тарафдан жумҳуриятнинг ажралиб чиқиши ҳақида бақиришаётганида қўшни Абдувоҳид акани эслайман. У «Тинчлик» деб рамзий ном билан аталган маҳаллада яшар эди. Уруш даврида у ўзининг уч фарзандидан ташқари турли миллатларга мансуб 8 етимни асраб олган эди. Унинг латиш, белорус, украин, рус, молдован фарзандлари ҳали ҳам ўша маҳаллада яшайдилар: улар аллақачон уйланишган ва турмуш қуришган. Аммо Ўзбекистондаги отасининг яхшилигини унутишмайди. Фалон миллат яхши, фалони ёмон деб турган кишилар менинг қўшнимдан ҳақиқий саховатни, одамларга меҳрибонликни, сабр-тоқатни ўргансалар чакки бўлмасди.

Майдон бўйлаб минглаб кишилар — Тошкентнинг Акмал Икромов ва Октябрь, Бектемир ва Киров районлари, бошқа районлар меҳнат жамоаларининг намояндалари юриб ўтадилар. Улар бугун меҳнат ғалабалари ҳақида дабдабали рақамларни кўтарган эмаслар. Яширишнинг ҳожати йўқ: ҳозир алоҳида натижалар билан ҳамма ҳам фахрлана олмайди, қийинчиликлар ҳам етиб ортади. Аммо халқимиз ҳаммаси жойига тушиб кетишига ишонади. Диёримизда тинчлик бўлса бас.

В. И. Ленин ҳайкали ёнидаги минбарда турганлар орасида КПСС XXVIII съездининг делегати, Тошкентдаги «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг катта мастери Д. Н. Мусабекова ҳам бор.

— Бугун мен аввалгидан ҳам баландроқ кайфият билан бу майдонга келдим. Ҳамма жойда партия ва инқилоб шаънига таъналар айтилаётган бир пайтда мана шу «танқидчиларга» шундай дегим келади: ўтмишга нега тош отаётганингизни бир ўйлаб кўринг. Бизнинг бирлашмамиз жамоаси учун 7 ноябрь — байрам, биз бу байрамни дуруст кўрсаткичлар билан кутиб олдик. Режадан ташқари фойда 1 миллион 400 минг сўмдан ошди. Бундан ҳам яхшироқ ишлашимиз мумкинмиди? Ҳа! Агар мамлакат иқтисодиётидаги тартибсизлик бизга халақит бермаганида бундан яхшироқ ишлаган бўлур эдик.

Биз, журналистлар 7ноябрь куни ҳам, унинг арафасида ҳам кўпгина тошкентликлар билан учрашдик. Уларнинг ҳаммалари бу байрам жумҳуриятнинггина эмас, бутун мамлакатнинг барча тараққийпарвар кучларини жипслаштирувчи омил бўлишини исташларини айтдилар.

Тошкент шаҳар «Чернобиль» жамияти раиси Василий Назаров бундай деди:

— Ҳозирги қай бир муаммони олиб кўрманг, унинг илдизлари бизнинг маданиятсизлигимизга, ишларни оқилона режалаштира билмаслигимизга, ҳамма ижобий ва салбий жиҳатларни чамалай олмаслигимизга, бир-биримизга ҳурматсизлигимизга бориб тақалади. Масалан, мамлакатнинг турли минтақаларида ҳозир рўй бераётган можаролар миллатлараро муносабатлардаги маданиятсизликнинг оқибатидир.

Чернобиль атом электр станциясидаги авария оқибатларини тугатишда тошкентликлардан икки юз киши қатнашдик. Биз турли миллатларга мансуб бўлсак ҳам, ҳеч қачон бу ҳақда ҳеч ким ўйлаб ҳам кўрган эмас. Уй-жой, экологик жиҳатдан соф маҳсулотлар билан, иш билан таъминлаш каби кўпдан-кўп масалаларни ҳал этаётганимизда ҳеч қачон одамларни миллатига қараб ажратмаймиз.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг яқинда ўз ишини тамомлаган учинчи сессияси қарорлари ҳам шу йўлни кўрсатмоқда. Биз кўзлаган мақсадларга корхоналарнинг, колхоз ва совхозларнинг энг кўп даражадаги эркинлиги, ҳар бир меҳнатчининг жонли ташаббуси, юксак интизом туфайлигина эришиш мумкин, зеро демократия — асло бошбошдоқлик эмас, балки масъулиятдир, барча кучларни жипслаштириш демакдир.

Бу — оддий ҳақиқат бўлса ҳам уларни оғизда эмас, балки амалда турмушга татбиқ этиш керак. Масалан «Миконд» заводида шундай қилмоқдалар, бу ердаги коммунистлар ўзлари зарбдор ишлаш намунасини ҳам кўрсатмоқдалар, одамларни ўзларига эргаштириб боришнинг ҳам уддасидан чиқмоқдалар.

— Корхонамиз жамоаси намойишга топшириқ юзасидан эмас, балки виждон амри билан чиқди, дейди «Миконд» парткомининг котиби А. Хўжаев. — Партия комитети ўзининг сиёсий вазифасини бажариб, ишчилар орасида қунт билан тушунтириш ишларини ўтказди. Партия ташкилотлари котибларининг кенгашида қандай шиорларни кўтариб чиқиш кераклиги белгилаб олинди. Намойишчилар колоннаси узра: «Микондчилар Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши учинчи сессиясининг қарорларини маъқуллайдилар» сўзлари ёзилган плакатлар кўзга ташланади. «Миллатлараро адоватни авж олдирувчилар жавобгарликка тортилсин», «Чайқовчиликка қарши кескин курашишни талаб қиламиз» деган сўзлар ҳам учрайди. Содда бўлса ҳам ҳаммага тушунарли, бу сўзлар.

...Ўтган йилларга қараганда, пойтахтнинг бош майдонида Тошкент меҳнаткашларининг намойиши унчалик кўп давом этгани йўқ. Аммо шу қисқа муддат ичида ҳам меҳнаткашлар жумҳурият коммунистик партияси ва ҳукуматининг ҳозирги сиёсатини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаб, маъқуллаётганликлари маълум бўлди. Намойишчиларнинг колонналарида турмушимизни енгиллаштирадиган: шахсий фойдаланиш учун ер участкалари, шахсий чорвачилик учун ем-хашак ажратиш, қуйи синфларнинг ўқувчилари учун бепул овқатланиш ва бошқа кўп нарсаларни ташкил этиш ҳақидаги қарорлар туфайли одамларнинг миннатдорчилик сўзлари неча марталаб янгради. Сўнгги бир-икки йил ичидагина жумҳуриятда шундай янгиликлар жорий қилинди. «Фақат ярим йўлда тўхтаб қолмаслик керак, бошқа ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳам изчиллик билан ҳал этиш лозим, биз бу ишда ҳамиша ёрдам беришга тайёрмиз», дейишмоқда Тошкент меҳнатчилари.

Ўзбекистон ССЖ Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов, жумҳурият Вице-Президенти Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов, Президентлик Кенгашининг ва Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари ҳукумат минбаридан парад ва халқ намойиши қатнашчиларини табриклаб турдилар.

* * *

Намойиш ниҳоясига етди, аммо байрам тугагани йўқ. Майдонда саҳналар ўрнатилиб, уларда халқ ижоди ансамблларининг, бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг профессионал хонанда ва созандаларнинг концертлари бошланиб кетди.

Тошкентнинг ҳар бир истироҳат боғлари, маданият саройи ва маданият уйида кун бўйи халқ сайиллари давом этди. Кечқурун Ўзбекистон пойтахтининг осмонида байрам мушакбозлиги чарақлади.

**В. И. Ленин номли майдондан репортажни ЎзТАГ махсус мухбирлари:**

**Т. БОТИРБЕКОВ,**
**В. ГЛАДИЛОВ,**
**В. ДРАЧЕВ,**
**Н. ПОЛЯНСКАЯ**
**тайёрладилар.**







**● ТОШКЕНТ, 7 НОЯБРЬ. Суратларда: В. И. Ленин номли майдонда меҳнаткашларнинг байрам намойишлари.**

**Суратчи А. ЗУФАРОВ.**

# ВИЛОЯТДА БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ

**Кеча ҳар бир шаҳар, ҳар бир ноҳия Улуғ Октябрни ўзи режалаганидек нишонлади. Шаҳар ва ноҳияларнинг марказлари аввалгилардагидек ҳашаматли қилиб безалмаган бўлсада, ҳарқалай байрам руҳи сезилиб турарди.**

### ЧИРЧИҚ

Соат миллари 10 га тенглашиши билан шаҳарнинг Ленин номли марказий майдонига намойишчилар кириб кела бошладилар. Анъана бўйича байрам намойишини партия, уруш, меҳнат фахрийлари, байналмилалчи жангчилар бошлаб бердилар. Шундан сўнг майдонга бирин-кетин мактаб ўқувчилари, ҳунар-техника билим юртлари, техникумлар, олий илмгоҳ талабалари кириб келишди.

Чирчиқликлар Улуғ Октябрь байрами куни бунёдкорлик меҳнатида шахсий намуна кўрсатаётганларга алоҳида ҳурмат кўрсатишди. Ишлаб чиқаришда энг юқори кўрсаткичларга эришган металлурглар, кимёгарлар, ишчилар, қурувчилар, алоҳида колоннага сафланишди. Уларни байрам намойишининг барча қатнашчилари қизғин қутлашди.

Чирчиқ — байналмилал шаҳар. Шунинг учун намойишчилар кўтариб олган шиорларда халқлар ўртасидаги дўстлик, қардошлик мадҳ этилади. Шаҳар меҳнаткашлари жумҳуриятимизнинг барча аҳолиси қатори Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Мурожаатномасини қизғин қўллаб-қувватлаётирлар. Байрам колонналарида ўзбек ва рус, тожик ва украин, белорус ва қозоқ миллатларининг вакиллари қўлни-қўлга бериб ўтаётганлигини кўриш мумкин эди.

Меҳнаткашлар намойиши тугагандан сўнг, байрам тантаналари ташвиқот майдончаларига, шаҳар боғларига кўчди. Бу ерларда бадиий ҳаваскорлар ўз санъатларини намойиш қилдилар, спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Савдо ва умумий овқатланиш шаҳобчалари ишлаб турди.

### ҚИБРАЙ

Оржоникидзе ноҳияси меҳнаткашларининг вакиллари байрам тантаналарини В. И. Ленин ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишдан бошладилар. Бу билан совет давлатининг ташкилотчиси, Октябрь илҳомчисига халқ эҳтироми ифода этилди.

Саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, хўжаликлар, муассасалар, ўқув юртларининг вакиллари ноҳия марказидаги Қибрай стадионига тўпланишди. Бу ерда оржоникидзеликларнинг митинги бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан нотиқлар инқилобнинг аҳамияти, ҳозирги қайта қуриш даврида иқтисодиётда туб бурилиш ясаш билан биргаликда халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш зарурлигини алоҳида таъкидладилар. Улар Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг жумҳурият аҳолисига Мурожаатномасини якдиллик билан маъқулладилар.

Ноҳиядаги турли миллат вакиллари ўртасидаги дўстлик алоқалари байрам тантаналарида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Кўпгина хўжаликлар ўз ҳудудларида яшовчи миллатларнинг урф-одатлари ҳақида ҳикоя қилувчи театрлаштирилган томошалар кўрсатдилар. Бу ўзига хос танлов ғолиблари совғалар билан мукофотландилар.

### ПИСКЕНТ

Ноҳияда истиқомат қилувчи ҳар бир партия, уруш ва меҳнат фахрийси ноҳия кенгаши ва ноҳия ижроия қўмитасининг табригини олди. Пискентнинг бу ҳурматли фуқаролари байрам муносабати билан ноҳия марказидаги В. И. Ленин ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар.

Пискентдаги ҳар бир меҳнат жамоасида байрамга бағишланган тантанали йиғилишлар бўлиб ўтди. Уларда фахрийлар билан бир қаторда 1990 йилда пахта етиштиришда, иқтисодиётнинг бошқа жабҳаларида юксак натижаларга эришган илғорлар қутланди.

### ЗАФАР

Бекобод ноҳияси марказига олиб борувчи кўчалар четларида Улуғ Октябрнинг 73 йиллигига бағишланган алвонлар билан Тожикистоннинг Мастчоҳ ноҳияси вакилларини қутловчи шиорларга ҳам кўзингиз тушиши мумкин эди. Бу икки қўшни ноҳия ўртасидаги ўзаро фойдали иқтисодий, маданий алоқалар йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Ўзбек ва тожик деҳқонлари, чорвадорлари, боғбонлари бири бирларига устоз, бири бирларига шогирдлардир.

Зафарда байрам тантаналарига ҳосил байрами қўшилиб кетди. Жамоа ва шўро хўжаликларининг бадиий ҳаваскорлари, умумий овқатланиш корхоналарининг ходимлари тантана қатнашчиларининг хизматида бўлдилар.

### ҒАЗАЛКЕНТ

Куз-деҳқон меҳнати сарҳисоб қилинадиган палла. Бу йил баҳорида юз берган табиий офатга қарамасдан, бўстонликликлар сабзавотчилик, ғаллачилик, чорвачиликда муайян ижобий натижаларга эришдилар.

Шу боисдан ноҳия марказида Улуғ Октябрь социалистик инқилобининг 73 йиллигига бағишланган халқ сайлидан сўнг ҳосил байрами бошланди. Ҳар бир хўжалик ўз меҳнаткашларининг мириқиб ҳордиқ чиқариши чораларини кўриб қўйган эди. Халқ сайли ўтказилаётган жойда дошқозонлар осилди, лаззатли таомлар тайёрланди. Халқ ўйинлари, бадиий ҳаваскорларнинг чиқишлари бу сайилга ҳақиқий байрам руҳини берди.

**Улуғ Октябрь социалистик инқилобининг 73 йиллигига бағишланган тадбирлар шунингдек, Янгийўл, Олмалиқ, Ангрен, Бекобод шаҳарларида, вилоятимизнинг барча ноҳияларида бўлиб ўтди.**

**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МУХБИРЛАРИДАН.**

